

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

No. 29 (375)
2019 - yil
18 - iyul
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



13,5 МИНГ ОИЛА
сақлаб қолинди

2-бет



Ё ҲАЁТ,
Ё ҲАЛОКАТ
МАСАЛАСИ

3-бет



ИШ ҲАҚИ ошди,
жарималар-чи?

4-бет

Ота-она учун
АЛИМЕНТ

4-бет

БОЗОРДА СЎЛАЁТГАН ЧИННИ ГУЛ

У кимнингдир онаси,
кимнингдир синглиси.
Бирок айбдори ким?

5-бет





Шерзодхон
КУДРАТХУҲЖАЕВ,
«Халқаро пресс-клуб»
раиси

МЕДИА ОЛАМДАГИ «АХЛАТ ЖАНГИ» ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

“ Жамиятимизнинг оғриқли нуқталари ҳақидаги муҳокама борган сари уларнинг ечимларини топишга эмас, янги бўлмағур муаммоларни келтириб чиқаришга асос бўлмоқда. Оқибатда эса асосий муаммолар қолиб, кимнингдир шахсиятига, oilаси, бизнеси умуман барчасига тош ота бошляпмиз...

Буни ёзишимнинг сабаби – жамиятимизда тобора ривожланиб бораётган агрессия аломатлари. Эътибор берганмисиз, оддий бир ишни битириш учун муомала билан ёндашув ўрнига кескин талаб ёки шарт қўямиз, йўлда хайдовчилар бир-бирларига жалд қиладилар, пиёданнинг ҳатто йўлакдан секинроқ ўтиши ҳам айримларнинг жигига тегади ва уни устидан босиб ўтишдан тоймайдилар. Дўконлар, ошхоналар ва коммунал тўловлар учун навбатда турган одамлар ўртасида у ёки бу арзимас сабаб катта жанжал чиқади.

Нега бундай? Бу каби негатив муҳитнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг сабаби нимада?

Менинг кузатувларим шуни кўрсатмоқдаки, бугун жамиятда бир-биримизга нисбатан агрессия кайфияти ҳукмронлик қилмоқда.

Булар нимада намоён бўлмоқда?

Ҳолатнинг замирида баъзи омиллар ётибдики, уларни ўрганиш лозим. Биз бир-биримиздан норозимиз, қўшнимиздан норозимиз, жигарларимиздан норозимиз, яна баъзилар жамиятдан норозилар. Бундай фуқаролар онгда жамият унга нисбатан адолатсизлик қилаётгандек туюлмоқда. Яъни, кимдир уни кадрламаган, яна кимдир яхши даволашмаган, яна кимдир яхши дарс беришмаган, кимдир эса яхши ишга олишмаган, кимдир эса оддий меҳр шайдоми, ҳуллас, оддий қилиб айтганда «бошқалар ош еб, у курук қолгандек».

Бу жараёнлар илгари интернет йўқ пайтда ҳам бўлган. Фақат бу ҳақида ҳамма ҳам билвермаган. Аммо ҳозирга келиб бу негатив ҳолатларнинг барига оммавий гувоҳ бўлишмоқда. Бу энди чойхонадаги ўзаро гурунглardan ижтимоий тармоқларга кўчиб ўтди. Бу масала илмий ёндашуви талаб этгани боис мен ҳамкасбларим

Нозима Муратова, Навбахор Имомова, Камола Юсупова ва Лайло Тўраевалар билан биргалликда унинг сабабларини очишга ҳаракат қилдик. Ожизона ташхисимиз шуки, бу масала кеча ёки бугун пайдо бўлмаган, бу жараён ўтган асрнинг 80 йиллар охирида СССР парчаланиб, янги тузумга ўтиш жараёни бошланганидан буён аксадо бермоқда. Лекин биз бугун 27 йилдан буён бу масала юзасидан бирор ишни амалга ошира олганимизча йўқ. Кўпчилик учун СССР парчаланиши ва янги давлат юзга келиши оғир кечди, айниқса, ижтимоий соҳа вакилларининг даромадларига бу жараён каттиқ салбий таъсир қилди. Биз бозор муносабатларига ҳам тўлиқ ўта олмадик, трансформация жараёни ҳам чўзилиб кетди. Аммо ана шу ўтиш жараёни бизнинг мамлакатда кўшнилариимиздан кўра анча чўзилиб кетганини ҳам айтиш жоиз.

Илгари қатор сабабларга кўра ижтимоий тармоқларга олиб чиқишга журъат қилинмаган мавзулар бугун оммавий муҳокама этилмоқда. Бу яхши ёки ёмон? Яхши шекилли. Чунки муҳокама билан жараёнида ушбу муаммоларнинг кескинлик даражаси пайсаниши, уларнинг халқ орасида эркин муҳокама қилиниб, муаммолар ўткирлиги олиб ташланаётгани қувонарли хол, албатта. Ва яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу жараёни барча демократик мамлакатлар бошдан ўтказган ва биз ҳам бу жараёндан худди тумов билан оғриган бемор ўзида касалликка нисбатан иммунитет ҳосил қилиб ўтганидек соғлом, чидамли иммунитет билан ўтиб олишимиз лозим. Сўз эркинлигининг баҳоси ҳам, жазоси ҳам – шу. Чидаш керак, тобланиш керак. Ўткинчидир бу. Ёдимга Сулаймон (а.с)нинг машхур узуги тушди. Буниси ҳам ўтиб кетади.

Бугун ижтимоий тармоқларда

муҳокама қилинмайдиган тақим мавзу қолгани йўқ. Албатта, ҳар бир инсон ўз фикрига эга, эркин фикрлаш ва фикрни оммавий билдириш барчанинг ҳуқуқига кирди. Аммо шундай нозик пардалар борки, ҳар ким истаганича фикр билдира олмайди. Булар шахсий ҳаётга аралашув, кимдир ҳақорат қилиш, кимгадир таҳдид қилиш, кимгадир уруш эълон қилиш. Бу учун жавобгарлик ҳам бор эканини билиб олишимиз шарт. Ана шундай ҳолатлар: инсонларнинг шахсий ҳаётга дахл қилиш, кимдир иғво қилиш, таҳқирлаш, қадр-қийматини топташ, мавзунини юзаки чайнаш, «деди-деди»ларнинг кўпайиб бориши бир пайтлар АКШ тажрибасида «Trash War» яъни ОАВдаги «ахлатлар жанги» деб таърифланган. Демак, «ахлат урушлари» бизга ҳам етиб келибди-да. Нимагадир ёмон нарсалар тезда етиб келади, яхшиларидан кўра.

Аммо муҳокама қилувчи инсонлар ана шундай ҳолатларни шахсан бошдан кечирмагунларича жараён қурбони бўлиш қандай эканини била олмайдилар.

«Хўш, давоми нима бўлади», деб сўрашингиз мумкин? Бу кетишда маъмурий судларга янги прецедентлар пайдо бўлади.

Буни ҳам улғаяётган организм оғриқлари сингари барча демократик давлатлар бошдан кечирган. Савол туғилади, биз бу шароитда нима қилишимиз керак? Назаримда, ўзимизни тутта билишимиз, шахсиятга тегмаслигимиз, шахсий ва жамиятга оид масалалар ўртасидаги фарқни ажрата билишимиз, нима бўлган тақдирда ҳам ўзаро хурматни, бағрикенг муносабатни сақлай билишимиз муҳим.

Шунда биз бу «тумов»дан тезроқ тузаламиз ва жамиятда бунга нисбатан иммунитет ҳосил қилиб, ривожланишимиз кейинги босқичга кўтариламиз.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДА ЯНГИ АВТОМАГИСТРАЛЬ



«Бейнеу – Ақжигит – Ўзбекистон чегараси» халқаро автомагистрალი очилди.

Автомобиль йўлининг узунлиги 84 километрни ташкил этади. Мазкур йўлни реконструкция қилиш ва уни Қорақалпоғистон Республикасининг Устюрт платоси орқали ўтвучи халқаро автомобиль йўли билан туташтириш учун 108 миллион АҚШ долларлик маблағ йўналтирилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари раҳбарлари бошчилигидаги делегация, курувчи-мутахассислар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашган тадбирда мазкур халқаро аҳамиятга молик йўлни қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши мамлакатларимизнинг қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат экани таъкидланди.

Ушбу автомагистраль мамлакатларимизнинг иктисодиёти юқсалиши ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ортишига хизмат қилади.

МАКТАБДА ЎҚИЁТГАН КЕЛИН-КУЁВЛАР



Мамлакатимизда жорий йилнинг ўтган даври давомида 13 минг 493 та ажралиш ёқасига келиб қолган oilалар тикланди. Бу ҳақда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази маълум қилди.

Марказ томонидан олиб борилган талдиқотлар натижасида ишлаб чиқилган методика, чора-тадбирлар ва тавсиялар асосида ажралиш учун ариза берган 878 та oilа яраштирилишига эришилди. 21 минг 293 нафар бола ярим етим бўлишдан сақлаб қолинди. Шунингдек, oilаларга ёрдам кўрсатиш бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилиши 2 минг 670 oilанинг муаммоларини ҳал этди.

Марказнинг «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби»да бўлғуси келин-куёвлар учун oilавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, oilа иктисодиёти, oilадаги ижтимоий муҳит, никоҳ муносабатлари, соғлом турмуш тарзи мулоқот маданияти ва низоларнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан маҳорат дарслари ўтилмоқда. Мазкур мактабларда шу кунга қадар 12 минг 564 нафар бўлғуси келин-куёв таълим олган.

Бир савол

Асрашни ҳам билиш керак

– Жазирама ёз кунларида кўп шиларда қурилиш ишлари амалга оширилади. Афсуски баъзан ўз-ўзидан ёнгин чиқиб кетиши ҳолатлари ҳам учрайди. Ут чиққиши билан боғлиқ бундай офатлар содир бўлмалиги учун нима қилиш керак?

К.Содиқов,
Қамаши тумани

– Биноларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш дастлаб уларни лойихалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги талабларининг тўла бажарилиши кейинчалик уларда ёнгин содир бўлмалигининг кафолати ҳисобланади.

Қурилиши кетаётган бино ва иншоотларнинг қурилиш майдонларида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнгин хавфсизлиги тегишли қоидаларга амал қилиш орқали таъминланади. Масалан:

– қурилиш майдончаларида қурилиш-монтаж ишлари бошланишидан олдин қуриладиган ва маиший (вақтинчалик) иншоотлар орасидаги ёнгинга қарши узилишларда жойлашган барча иншоот ва бинолар

бузиб ташланиши керак;

– қурилиш ҳудудида гулхан ёки ман этилади;

– газ солинган баллонлар сони 50 дан ортиқ бўлмаган ҳолда махсус омборхонада ёки қуёш нури тик тушмайдиган бостирма остида сақланиши керак. Тўлдирилган баллонлар тик ҳолда сақланиши лозим. Улар махсус катаклар ёки уяларга ўрнатилади ва камар, занжир ёки қисқичлар билан маҳкамланади;

– Кислород баллонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларга тегиб кетмаслиги чоралари кўрилиши керак.

«Меҳнат қилиб боғ яратган уни асрай

билиши ҳам керак», дейди доно халқимиз. Шундай экан бино ва иншоотлар бунёд этувчи ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис мутахассис тегишли талабларни пухта ўзлаштириб олиши, қурилиш жараёнида ёнгинларга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш юзасидан тегишлича йўриқнома билан таъминланиши лозим. Бошқача айтганда, қурилишда амалдаги қоида талабларига қатъий риоя этишга ҳар бир киши масъул ва мажбур эканини унутмаслигини керак.

Саволга Юнусобод тумани
ЁХБ инспектори, сержант
Баҳромхўжа АБДУЛЛАЕВ
жавоб берди.



Фарзанд тарбияси ҳамма вақт ҳам энг оғир ва масъулиятли иш саналган. Айниқса, бугунги шароитда тарбия йўлида бир марта адашиш ҳам болини чексиз лабиринтга кириб қолишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Адашаётган ота-оналар қанча?
«Тарбияси оғир»ларнинг ҳаммаси ҳам жиноятчими?

Ҳўш, тарбиянинг умумқабул қилинган қалити борми? Ёки педагогика фанида тарбия илмининг аниқ мезонлари ишлаб чиқилганми? Ҳамма ҳам фарзандини хар томонлама етук, комил инсон бўлишини хоҳлайди. Аммо нега натижа жуда паст? Бугун жамиятимиз ҳаётида учраётган ўткир муаммолар: ахлоқсизлик, жиноятчилик, алдов ва фибригарлик иллатлари, оилавий ажрашишлар, «тарбияси оғир» болаларнинг кўлайиб бораётгани нима учун замонавий педагогикани ташвишга солмаяпти?

– Тарбиянинг бир қолипга солинган илми ҳам, низоми ҳам мавжуд эмас, – дейди Қори Нийзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор Норбек ТАЙЛАҚОВ. – Фақат инсонийлик мезонларига асосланган умумқабул қилинган меъёрлар бор. Аммо бу билан ҳам болини ишончли тарбия қилиб бўлмайди. Бунга хар бир оила, ота-она ўз миллий, рухий ва маънавий оламидан келиб чиққан ҳолда ёндашиши талаб этилади. Бунинг меъёри эса овқатга солинадиган тузга ўхшайди: кам бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам таомни бузади. Аслида педагогика оилавий тарбиянинг узвий давоми ва билим ҳамда дунёқарашини кенгайтирувчи муҳим жараён. Педагогикада тарбия асосан умумқабул қилинган мезонлар асосида олиб борилса ҳам, оиладаги индивидуал ёндашувлар туфайли, хар бир бола бунини турлича қабул қилади. Бошқача айтганда, педагог берадиган таълим-тарбиянинг нақадар таъсирли, ишончли ҳамда натижалли бўлиши ҳам оилавий тарбияга бевосита боғлиқдир.

– Оила қадриятини фарзанднинг ўрни қандай бўлиши керак?

– Болаларни хар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялаш масаласи халқимиз учун қадимдан муҳим бўлиб келган. Болалар алоҳида ғамхўрлик

ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар. Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилада фарзандлар бахтиёр бўлиши, ўсиб улғайиши ва фаровонликка эришиши, соғлом ва хар томонлама уйғунлашган ҳолда камолотга етишиши лозим. Оиланинг хар бир аъзоси ғамхўрлик, бахт, меҳр-муҳаббат туйғулари асосида ўзининг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, тенглик ва бирдамликка эга бўлишлари керак. Хар бир бола ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга бўлиши билан бирга, оилавий қадриятларга ҳурматни сақлаш кўникмасини эгаллаши зарур. Оилада бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқлар таъминланиши, ҳурмат қилиниши зарур.

– «Тарбияси оғир» вояга етмасанлар... Бу ибора сўнги вақтларда тез-тез тилга олинапти. Сизнингча, «тарбияси оғир»ларнинг ҳаммаси ҳам жиноятга қўл урадилми? Қандай болаларга нисбатан ишлатилади бу ибора?

– «Тарбияси оғир» вояга етмаганлар беқарор ахлоқли, иродаси бўш, педагогик таъсирга доим қаршилик кўрсатиб келувчи ёшлардир. Мақтаб миқёсида улар кўп учрамайди (бир синфда бир ёки иккитадан, айримларида умуман йўқ). Аммо бир нафар бўлса ҳам бу синф, мақтаб ҳаётига, унинг ахлоқий муҳитига жиддий таъсир кўрсатади. «Тарбияси оғир» болалар ўқувчиларнинг кам қисмини ташкил этса ҳам, улар ўқув-тарбиявий ишларда барқарорликка жиддий тўсиқ бўладилар. Улар мақтабда ва ундан ташқарида (оилада, кўчада, дам олиш жойларида ва бошқа) тартибсизликларни вужудга келтирувчилар ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам «Тарбияси оғир» болалар мақтабда, оилада ҳам, ундан ташқарида ҳам ўқитувчи ва барча жамоат эътиборида туради. Албатта, бундай болалар жиноятчи эмас, аммо жиноятга мойил бўлгани, бу иллат домига бошқа тенгдошларини тортиб кетиши хавфи юқорилиги учун ҳам доим

алоҳида эътиборда бўлишлари зарур. «Тарбияси оғир» болани нормал ҳаётга қайтариш кучли педагогик-психологик ёндашувни талаб этади.

– Ота-она фарзанди ҳақида нималарни билиши керак?

– Ота-оналар фарзандлари тўғрисида иложи борича кўпроқ маълумотга эга бўлишлари шарт! Хар бир ота-она ўзи учун фарзанднинг ўзлаштириши ва хулқ-атвори ҳақида катта маълумотга эга бўлиш билан чекланиб қолмасдан, уни таҳлил эта олиши ва шунга муносиб равишда тарбия йўлини тўғрилаб бориши зарур. Мисол учун, фарзанднинг хулқ-атвори сизни қаноатлантирадими? Истагингиздаги жиҳатлар фарзанднингизда борми? У кўпинча қайси машғулотлар билан банд бўлади? Ўғлингиз ёки қизингиз ўз уйи учун қайғуряптими, уй ишларини бажаришда сиз билан ёнма-ён ёрдам бераптими? Фанларни ўзлаштиришда қандай қийинчиликлар бор? Мана шу каби саволлар хар бир ота-онани безовта қилса ва уларга жавоб топа олма, фикримча, фарзанднинг одоб-ахлоқи, қизиқ соҳаси ҳақида муайян маълумотларни билиб олиши шубҳасиз.

– Ота-она бола тарбиясида нималарга эътибор бериши керак?

– Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний бу борада шундай фикр билдирган: «Тарбиянинг майда-чуйдаси, икки-чигири бўлмайди. Тарбияда ҳамма нарса аҳамиятлидир», – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, педагогика фанлари доктори Шахноза АБДУЛЛАЕВА. – Дарҳақиқат, бола тарбиясида ҳамма услуб, усул, йўллар, хар бир айтилган гап, хар қандай имо-ишора аҳамиятли ҳисобланади. Мен ота-оналарга бола тарбиясида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишларини тавсия этган бўлардим:

ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА:

- + Ота-оналар фарзандларини оила бюджетини тўғрисидаги ахборот билан таништиришлари;
- + Оиланинг иқтисодий турмуш тарзи, истикболдаги режалари тўғрисида ўз фарзандлари билан ўртоқлашишлари;
- + Ота-ота фарзанднинг айрим худбинона эҳтиёжларидан воз кечиб, оила аъзоларининг талаб ва хоҳишларини ҳам инобатга олиш иштиёқини шакллантира олиши;
- + Агар оила моддий жиҳатдан яхши таъминланган бўлса, ота-оналар ўз фарзандларини камтарин бўлишга ва бошқа оила фарзандлари олдида манманлик қилмасликка ўргатишлари;
- + Агар оилада иқтисодий қийинчиликлар кузатилса ва бу оила кам таъминланганлар қаторидан ўрин эгаллаган бўлса, бундай оиланинг ота-оналари ўз фарзандларида сабр, қаноат хусусиятларини шакллантиришлари, моддий жиҳатдан бой оила фарзандларига ҳасад билан қараш яхши эмаслигини ҳамда бориға шукр қилиб яшаб, кўп ўқиб, меҳнат қилиш лозимлигини тундиртиришлари ва ижобий сифатларини шакллантиришлари лозим.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, АХЛОҚИЙ СОҲАДА:

- + Ота-оналарнинг шахсий намунаси ёшлар ўз шахсини танишида муҳим аҳамиятга эгалигини унутманг.
- + Фарзандларингизда тўғри

ҲИҚМАТ

Фарзанд билан етти ёшгача ўйнаб унга фикрини қабул қилинганини ёки устун эканини билдириб қўйиш услубида ижобий самаралар кўп. Ҳуммалан, орадаги тўсиқларни йўқ қилади ва оталар билан фарзандлар орасидаги узилишни бозғайди. Уларни ёмон дўст билан дўстлашшидан, ёмон маъмулларнинг олишдан ва шунга ўхшаш ҳалокат йўлларида узоқлаштирилади.

Ота-она билан фарзанд орасидаги дўстлик болада панду насихатини қабул қилиш қобилиятини ҳамда истеъдодини оширади.

Ота билан фарзанд орасидаги дўстлашни отага бола билан нечоғли ақлий ҳамда рухий ўзини даражасини, қолаверса, боладаги ҳаққоний куч-қудратини очиб намоён қилиб беради.

Али ибн АБУ ТОЛИБ

хулқ-атворни юзага келтириш билан ахлоқий тажрибасини бойитинг ва умумлаштиринг. Ёшлардаги ахлоқий билимнинг турли-туман формалари уларнинг онги ва хис-туйғуларига жонли, ёркин, оташин сўз орқали таъсир этишини унутманг.

+ Дунёда содир бўлаётган янгиликлар, мамлакатимизда, жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлардан тўлиқ хабардор бўлинг ва фарзандларингизга тўғри таҳлил қилиб бера олинг.

+ Фарзандингизнинг келажакда муайян касб соҳиб бўлишига ишонч билдиринг, унинг оқилона танловини қўллаб-қувватланг.

+ Фарзандингизнинг ўқув муассасасидаги ўқиши билан қизиқинг, қайси фанларни ўрганишга иштиёқмандлигидан хабардор бўлинг.

+ Бадий адабиётларни ўқинг, янги нашр этилган адабиётлардан хабардор бўлинг, фарзандингизнинг маънавий-маърифий билимини бойитадиган адабиётларни уларнинг ўқиши учун тавсия этиб бориң.

+ Фарзандингиз билан биргаликда маънавий-маърифий соҳасини бойитадиган фильмларни томоша қилин, сўнг муҳокама давомида боланингизнинг фикрини эшитиб, уни тўғри йўналтиринг.

+ Фарзандингизнинг дўстлари билан танишинг, улар билан суҳбатлашинг, хулқ-атворини кузатинг.

+ Ўғлингиз ёки қизингиз жамоада қандай ишларни бажаришини ўрганин, уйда ҳам боланингизнинг фойдали юмуш бажаришини назоратга олинг.

+ Миллий ва умумбашарий қадриятлар билан фарзандингизни таништириб бориң. Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлишни ўргатинг.

+ Фарзандингизга меҳрибон ва адолатли, кези келганда қаттиққўл ва талабчан бўлинг.

+ Фарзандингизнинг ўқиш ва меҳнатдаги имконияти ва қобилиятини ўрганин, унга ҳам ўз имкониятлари ва қобилиятига тўғри баҳо беришга ўргатинг, иродасини чиниктиринг.

+ Фарзандларингиз, оила аъзоларингизда бир-бирига кўмак бериш ҳиссини шакллантиринг, ахлоқий фазилатлар: ўз сўзида тура олиш, масъулият, олижаноблик, танглик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳиссини ривожлантиринг.

+ Фарзандингиздаги салбий хислатларни биргаликда бартараф этишга ҳаракат қилин, унга ишонч билдиринг, келгусидаги режалари тўғрисида суҳбатлашиб турин.

«Оила даврасида» муҳбири
Бекзод НАСИМБОЕВ
ёзиб олди.

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги Президент фармони қабул қилинди.

Фармон билан 2019 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 (10 фоиз) баравар оширилди.

2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида энг кам:

- ✓ иш ҳақи – ойига 223 000 сўм;
- ✓ ёшга доир пенсиялар – 436 150 сўм;
- ✓ болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 436 150 сўм;
- ✓ зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм миқдорига белгиланди.



Қонунчиликка мувофиқ жарима ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. 2019 йил 1 августдан энг кам иш ҳақининг 10 фоизга ошиши белгиланди. Шунга қўра, турли маъмурий жарималарнинг миқдорлари ҳам 2019 йил 1 августдан 10 фоизга ошди.

Бунда, жарималар ҳуқуқбузарликлар содир этилган вақтдаги энг кам иш ҳақи миқдори бўйича тўланади. Масалан, 28 июль куни ҳайдовчига транспорт воситасида ҳаракатланишда телефондан фойдаланганлиги учун маъмурий баённома тузилди. 1 августдан жарималар миқдори ўзгаришига қарамадан, мазкур ҳайдовчи 60 кун ичида 28 июлда амалда бўлиб турган жаримани (608 190 сўмни) тўлаши лозим бўлади.

Иш ҳақи ошди ва...

Жарималар ҳам

Ота-онага ҳам алимент тўланади

– Бир кишини билман. Ёлғиз ўғил бўлса-да, ота-онасини қаровсиз ташлаб қўйган. Шаҳарга кўчиб кетган, ота-онасидан умуман хабар олмайди. Чол-кампирнинг аҳволи анча оғир. Ота-онасини қаровсиз қолдирган мана шундай кимсаларга қонунчиликда қандай жазо бор?

Ч. Карамирзоев,
Денов тумани

– Қонунчиликка кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари

ри ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт, дейилади Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» телеграм каналида.

Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятдан озод қилмайди.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, ота-она талабига кўра таъминот сундин хал қилув қарорига асосан белгиланади.

Бунда ота-онага алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Биласизми?

Чиқиндилар ташлашга жой етарлими?

Қуйдаги жойларда мажбурий тартибда чиқинди қутилари ўрнатилиши лозим:

- ✓ кўп квартирали уйлارнинг подъездига кириш йўлида – 1 та;
- ✓ ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, ташкилотлар, шунингдек, савдо объектларининг биносига кириш (чиқиш) йўлида – 1-2 та;
- ✓ метро, ер ости ва ер усти ўтиш жойларининг ҳар бир кириш (чиқиш) йўлида – 2 та;
- ✓ аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва хордик чиқаришини қондириш учун мўл-

жалланган объектларда (маданият ва истироҳат боғлари, ўрмон массивлари, боғлар, бульварлар, скверлар, хиёбонлар ва бошқалар) – объектнинг ҳар 800 м² майдонида 1 та ва йўлаклар ва йўлқалар чизиғи бўйлаб ўрнатилганда бир-бирдан 40 метрдан узок бўлмаган масофада;

✓ бозорлар ва савдо объектларида (супермаркет, гипермаркет ва бошқаларда) – объектнинг ҳар 250 м² майдонида 1 та ва савдо дўконлари қатори бўйлаб ўрнатилганда – бир-бирдан 10 метрдан узок бўлмаган масофада;

✓ жамоат йўловчи транспорт бекатларида – 1-2 та;

✓ автотураргоҳлар ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш майдончаларига кириш (чиқиш) йўлида – 1-2 та;

✓ даволаш муассасаларининг ховли ҳудудида – объектнинг ҳар

700 м² майдонида 1 та, асосий аллеяларда эса – бир-бирдан 10 метрдан узок бўлмаган масофада;

✓ чекиш учун махсус ажратилган жойларда – 1-2 та;

✓ пляжлар ва сув акваториялари (дарёлар, қўллар, кўрфазлар ёки ҳовузулар)га туташ рекреация зоналарида – сув бўлинишидан 15 м. ҳамда яшил экинлардан 3 – 5 м. узоқликда жойлаштирган ҳолда, объектнинг ҳар 800 м² майдонида 1 та;

✓ кўп квартирали уйлар атрофидаги ҳудудларда ва марказий майдонларда, йўлқаларда ҳамда магистрал кўчаларнинг пиёдалар зонаси бўйлаб, шунингдек, кўприкларда – ҳудуддан фойдаланиш интенсивлигидан келиб чиқиб, пиёдалар серкаторно ҳудудда – ҳар 50 метрдан ошмаган масофада ва одам кам жойларда – ҳар 100 метрдан ошмаган масофада 1 тадан.



Энгиллашми?

Маҳалладан моддий ёрдам олиш энгиллашди ми?

Ҳукуматнинг Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган қўшимчаларга мувофиқ, 8-10 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 1 ходим ҳисобидан туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларининг малакали мутахассислари бириктирилади.

Илгари туман молия органлари мутахассисларидан ходим бириктирилган.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчи-

нинг яшаш жойи (доимий ёки асосан яшаб турган жойи) бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тайинланади.

Илгари фақат доимий яшаш жойи (доимий прописка) бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тайинланган.

Нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртacha ойлик жами даромадни ҳисоблаб чиқишда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида микрокредит олинганидан охириги 12 ойда оилавий тадбиркорликни амалга оширишда олинган даромадлар оиланинг жами даромадига киритилмайди.

Биласизми?

Ёш оилаларга қандай мақсадлар учун кредит берилади?

Ёш оилаларга қуйдаги мақсадларда микрокредитлар берилади:

► оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун;

► микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун;

► яқка тартибдаги тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ва ривожлантириш учун.

Кредитлар қуйдаги имтиёзли шартлар

асосида берилади:

► оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар бўйича фойз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ўрнатилади;

► ипотека кредитлари уч йиллик имтиёзли давр билан фойз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

► молиявий истеъмол кредитлари олти ойлик имтиёзли давр билан фойз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Адлия вазирлигининг

«Ҳуқуқий ахборот» телеграм канали материаллари асосида тайёрланди.

БОЗОРДА СЎЛАЁТГАН ЧИННИ ГУЛ

У кимнингдир онаси, кимнингдир синглиси. Бироқ айбодори ким?

У ёлланма ишчи бўлиб далада ишлайди. Уйда учта боласи ва эри бор. Яхшиям бахтига қизи бу йил тиббиёт коллежини битиради, ҳадемай ёнига қиради. Насиб бўлса, унинг ойлик йўл чиптаси, тушлиги, коллеждан вақт бемаҳал пул сўрашлар-у «ийғди-ийғди»лардан ҳам қўтилади. Эри эса қаерга ишга борса, уч кунда ҳайдалмоқда.



Зулфия
МУМИНОВА

Болаларини ва эрини боқиш учун бечора аёл бошқа аёллардан ҳам кўпроқ меҳнат қилади. Энг муҳими сидқидилдан, тоза ва сифатли ишлайди. У ҳар кунни уйига егулик кўтариб борар, бундан ташқари болаларига кийим-кечак, рўзгорга керакли буюмлар, эрига сигарет, сокол ва мўйловини қиртишлашга устараю совун ҳам эсдан чикмайди. Барча тўловлар ҳам унинг гарданида. Вақтида тўлашга ҳаракат қилади, чироғини ўчириб кетишларидан доим хавотирда, бечора.

Истараси иссиқ бу аёл учун болаларининг бекаму-кўстлигини кўриш олам-олам қувонч бағишлайди. У сахар туриб кечкурун қориб қўйган ҳамирни зувала қилишга уннайди, тандирга ўт ёқади. Қизи эса тонгда товукларга дон сочиб, ҳовли супуради. Аёл сизирни соғиб келиб, нонушта тайёрлашга уннайди, сўнг болаларини кийинтириб, ҳали ухлаб ётган эрига қўймоқ пиширади. Қўймоқни ва чойнак устини ёпиб тезгина ишга жўнайди...

Ишдан келиб гулу райхонларга сув қуяди, томорқага кириб, жўяк ичига шўнғийди. Бу эрининг парвойига ҳам келмайди, гўё ҳаммаси шундай бўлиши керакдек. Телевизорда футболни тугатиб, овқатланиб олгандан кейин Россия каналларидан бериладиган ишк-муҳаббат ҳақидаги кинони кўриш учун ёнбошлайди. Бечора аёл рус тилини тушунамай, кино кўраётган эрининг ёнида бироз ўтиради мудраб ухлаб қолади. Телевизорни ўчириб ётоқхонага кирган эри, офтобда қўйган, қўлларни кетмон дастани маҳкам ушлагандан кабариб кетган, бутун вужудидан тупроқ ва даладашларнинг ҳиди келётган аёлдан нарироқ сурилади...

Эрталаб тонг отгач, яна унинг одатдаги ташвишлари бошланади. Ҳар кун аёл ишга кетишдан олдин ошхонага кириб бугун ёғ билан гуруч олиб келишим керак ёки туз, чой, макарон қолмабди, дея рўзгорхалтани бир кўздан кечириб олади.

Қора меҳнатдан ҳали қиркка қирмаган аёлнинг аъзои бадани қорайиб, қичрайиб, сочлари, тишлари тўкила бошлаган. Аммо аёл бунга эътибор бермайди. Бутун борлиги билан ишлаб, рўзгор деган горнинг камчилигини тўлдиришга ҳаракат қилади.

«Яхшиям қўлимда хунарим бор. Ҳарна-да, рўзгорга қўшимча уч-тўрт сўм», дея ўз-ўзидан мамнун бўлади. Кечалари ухламай кўни-кўшнидан буюртма олиб тикади. Ён қўшниси унинг дугонаси, ҳатто бир кунда туғилишган. Кеча қўшни аёл келиб «Айланай дугонажон, шуни эртага битириб беринг, эртага туғилган куним, эрим тикдириб кийиб ол, деб совға қилган» дея қимматбаҳо матонни қўлига тутказди. Аёлнинг юраги жигиллаб кетди, ахир ўзининг ҳам туғилган куну-ку! Қўшни дугонаси чикмасе, эсида ҳам йўқ. Аёл дугонасининг қўйлагини ухламасдан тикиб чиқди ва эрталаб унинг қўйлагини кийиб ойнага қаради. Янги қўйлак аёл кўзига ўн хусн қўшган эди. Қўзини чақирди-да, қўйлакни бериб юборди. Кейин... кейин негадир роса эзилиб йиғлади.

Аёл ишга кетяпти, эгилб кетяпти, эзилиб кетяпти. Ахир, бугун унинг туғилган куну. Аёл ишляпти, берилиб ишляпти. Офтоб қўйдириб юборган юзюда ғамгинлик, кўёш тини учларини икки бўлиб ташлаган сочларининг толаларигача ғамгин, терлаганидан увиб елкасига ёпишган қўйлагининг уникқан рангигача ғамгин. Негадир бугун шундай бошқача у.

Аёл ишдан қайтмапти. У бозорга кириб рўзгорига керакли бўлган ҳамма нарсани олди. Қўтилмаганда кабоб олиб егиси, ўзини хурсанд қилгиси келди. Кабоблаз олиб келган сикҳдан гўштдан бир тишлади, кўзи бозорнинг ўнг томонидаги гул дўконига тушди. Аёл қизил

чинни гулларни ёқтирарди. У оғзидаги кабобни базўр чайнади ва ўзига ўзи «Туғилган кунинг муборак бўлсин», деб йиғлаб юборди. Аёл кабобни бошқа ея олмади. У гўштни ноннинг орасига қўйиб, елимхалтага ўради-да, бозор сўмқасига солди. Қўлидаги оғир сўмқалари билан гул дўконига қирмоқчи бўлди, аммо оёғидаги тағи едирилиб кетган шиппагиданми, қорайиб кетган қўллариданми, хуллас, юриш-туришидан хи-жолат бўлиб қирмади. Ўзининг кўриниши гул дўконига ярашмаслигидан уялди.

У гул дўкони ёнидан ўтаётди димоғига урилган муаттар бўлган энтикиб кетди. «Туғилган кунинг муборак бўлсин», – деди ўзига ўзи пичирлаб. У уйига бориб болаларига ош қилиб берди. Ҳамма хурсанд бўлиб еди. Аммо бу хонадонда, бу дунёда ҳеч ким уни табрикламади...

Кеча қайнота ва қайнонаси келди. Келин бўлиб тушганидан кейин ўн бир йил уларнинг хизматини қилди. Келинининг ҳеч қачон товуши баланд чиқмагани учун қайнона ва қайнота унинг номини «ипак келин» қўйишганди. «Ипак, биз сендан мингдан минг розимиз, болаларингни тарбияси ҳам ҳамма ҳавас қилгудек, аммо биз ўғлимизнинг уззу кун уйда ўтиришидан хижолатдамиз. Бир нима десак «Бошқаларнинг ота-онаси тагига машина олиб бериб қўйибди. Ҳозир битта машина бўлганида мен ҳам тирикчилик қилиб пул ишлардим» дейди. Ипакой, сенин уканг маҳалласидаги бели бакуватлардан биз ярим пулини берсак, укангдан қарзга деб ярим пулини олсанг, шу эрингга битта машина олиб берсак-да, қира қилиб сенга ёрдам қилса», дейишди. Аёл ўйлаб-ўйлаб рози бўлди. Чунки энг оғир кунларида уни укаси қўллаб туради. Қизи тиббиёт коллежга ўқишга қираётганида шу укаси хотинидан бекитиб саккиз юз доллар берган.

Икки ўғлини яхши мактабга



жойлаштириш учун шу укаси беш юз доллардан бериб, ёрдам қилган эди. Ҳадемай қизи ўқини битирса уни шиφοхонага ишга жойлаштириш учун ҳам шу укасидан бошқа кимга бош эғиб боради?..

У укасиникидан ғамгин бўлиб қайтди. Укаси пул бермагани учун эри уни роса камситди ва жаҳл билан чиқиб кетди...

Аёл оғир моддий етишмовчилик ва руҳий изтироблар гирдобига қолди. Эри бир йилдан буён кўринмай қўйгани учун қўшнилар ҳам «Ҳой айланай эрингиз ҳеч уйга келадими?», «Анави куну бир аёл билан кўришибди, у аёл ким?», – дея сўрайдиган одат чиқаришди...

Қизи ўқини битириш арафасида йиғлаб келиб, коллеждаги воқеаларни айтиб берди:

«Гуруҳ раҳбаримиз диплом иш учун 350 минг сўмдан пул сўраяпти. Диплом ишини ўзи ёзиб берар эмнш. Биз беш ўқувчи ўзимиз ёзамиз дедик. Ўқитувчимиз алоҳида хонага киргизиб қаттиқ гапирди. Бир курсдошимнинг ота-онаси сутини соғиб ичиб турган сизирини сотиб пул берди. Бириники қўйини сотди. Бирсининг онаси улгуржи бозорга чиқиб уч кунда 350 минг сўм топиб берди. Хуллас, пулсиз иш битмас эмнш.

Аёл қаттиқ изтироб чекди. Аммо сездирмади, юзига чиқармади. «Майли кизим, ташвишланма. Анави улгуржи бозорга чиқади дугонанг ойиси билан мен ҳам энди улгуржигача чиқаман. Сен дарсгача қарашанг бўлди», деди маса-

лага ечим топганидан ўзича мамнун бўлиб...

Она-бола тонг сахар учда бошланган улгуржи бозорда пойабзал сота бошлашди. Биринчи куну бу ғала-ғавур бозор ҳаётига кўникиши қийин кечди. Аммо, бир кунда 109 минг сўм фойда қилишди. Тўрт кунда қизининг диплом ишига 350 минг топиб берди. Хуллас, у энди савдо-сотик ишида ҳам ҳалоллиги ва чаконлиги билан ўрнини топди. Аммо ит тинса тинди, қуш тинса тинди, фақат у тинмади...

Бугун тунда яна нон ёпди. Яхши ухламаган бўлса-да тонг отмасдан бозорга жўнади. Аммо тўсатдан бир юк арава уни уриб юборди, аёл бор бўйи билан йиқилди. У йиқилди, унинг ёнида турли пойабзаллар, турли оёқлар ўтар эди. У шу ҳолатида ўзи ёқтирган бир дона чинни гулнинг бандидан узилиб оёқлар остида ётишга ўхшар эди. Негадир унинг бошидан кон оқарди. Яхши одамлар «Шошилнич ёрдам» машинасини чақирди. Ҳушидан кетган аёлни шиφοхона қабулхонасидан хирургия бўлимига ўтказишди. Унга касаллик варақасини ёзаётган киз секингина «Бугун унинг туғилган куну экан», – деб қўйди. Ҳа, бугун унинг туғилган куну буну ҳеч ким билмайди, ҳатто ўзи ҳам...

Сизнингча, бу аёл ким? Шиφοхонага келтирилган бу аёл балки менинг омаддир. Бугун туғилган куну эканини билмайдиган бу аёл балки сизнинг онангиздир.

Кимнингдир онаси, кимнингдир синглисидир. Ким бўлмасин у ҳалол инсон. Ипақдек мулозим, қалби тоза, қизил чинни гулларни яхши кўрадиган аёл бу...

ЕРИНГНИ БАҒРИ КЕНГ

«Амударё давсув-маҳсуспудрат» давлат унитар корхонасида меҳнат қилаётган кўп сонли жамоа узоқ йиллар давомида тупроқнинг тинка-ю мадорини қуриб, уни обдон ҳолдан тойдирган шўр, зах балосидан халос этиш, заминни даволаш ишига камарбаста бўлмоқда.



*Халқингни мен ҳамхонам, туғишганим деб севаман,
Ерингни мен бағри кенг маконим деб севаман,
Қорақалпоқнинг тупроғини, қайда юрсам соғиниб,
Киндигимнинг қони томган Ватаним деб севаман.*

Чиндан ҳам, бадиий ижоднинг Шарқ ва Ғарбга хос мумтоз йўлларини мукаммал ўрганиб, Навоий, Фузулий, Махтумқули, Жиян жиров, Кунхўжа, Ҳатеш, Умар, Бердак, Ажиниёз, Абай, Тўқайлар асос солган ва яшнатиб юборган туркий шеърят анъаналари ва тамойилларига содиқ қолиб, уни ривожлантирган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Бердак номидаги давлат мукофоти соҳиби Ибройим Юсупов – устоз Ошиқ Абдиннинг кўнгил тубидан отилиб чиққан сеҳр-суурга тўла ушбу йўноқи сатрлари ҳамонки кўнгилларни ажиб бир ҳисларга ошно этиб келади. Сир эмаски, сўз сеҳргарининг шира сингган шеърларида юрт, туғилган тупроқ мадҳи юқори пардаларда тараннум этилади. Аҳамиятлиси, истиклолнинг қутлуғ йигирма саккиз йиллик тантаналарини муносиб қаршилаш ниятида Орол бўйларида яшаб, мардонавор туриб меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон элининг ниятлари улкан. Улар ўтаётган тинч ва осуда кунларнинг қадрига етиб умргузаронлик қилишмоқда. Халқимизнинг кўп асрлик орузи, энг азиз ва улуг айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги интилишларидан ўзини сираям четга олаётгани йўқ.

САЛОМ СИЗГА, ТОНГ ЕЛЛАРИ!

Эрталаб хийла вақтли турган Шукрулла оға шахд ва шиддат билан оқайтган Жайхун яқинида қорайиб турган тоғларга кўтарилиб, бирров чор-атрофни синчиклаб томоша қилмоқчи эди. У рюкзакни елкасига чакконлик билан ташлади-ю,

болгани олиб кўзлаган манзили томон илдамлади. Бу гўзал ва табиати мафтункор жойлар одам кўнглини бир пасда кўтариб юбориш даражасида кўркам. Негаки, она табиат бу гўшадан ўз хайр-саховатини сираям аямаган. Қалашган тоғ-тошлар орасида жамики бойлик топилади. Ҳаво ёз чилласи бўлишига қарамадан бироз салқин. Лекин бобо куёш ўзининг саҳий, оташ нурларидан бу ерни ҳам бенасиб этмасдан қўймайди. Амударёнинг ўнг соҳилида чўккилари булутларга қадар чўзилган, оқ саллали Қоратов тоғлари мана-мен дея қорайиб турарди. Одамни хайрон қолдирадиган томони шундаки, бу манзилдаги тоғ жинслари ўзгармаган ва инсон томонидан ҳеч қандай зарар етказилмаган ҳолда, қандай яратилган бўлса, шундайлигича турарди. Қияликларда бирор-бир гийҳга кўзингиз тушмайди. Бу жиҳатдан водийнинг шимолий томонларидаги Султон Увайтоғнинг ялонғоч қояларини эслатади. Шукрулла оға тоғу тошлар тепасидан туриб Амударё туманининг экин экиладиган адоқсиз далаларини, оқар сув ялтираб турган зовур ва коллекторларга узок ва маҳалла бўлиб қараб қолди. Бир маҳаллар табиатнинг иши бўлган яъни вулкон отилиши билан қорайиб котиб қолган улкан тошларга синчиклаб қарайди.

Кун қайтди. Бобо куёш қизғин товланиб, атрофга камалак сингари нур таратарди. Бу эса тароватли ва кўркам водийга янада ажиб латофат бағишламоқда эди. Унинг хайратланган кўнгли шу гўзал табиатдан нухса олиш истагида ёнмоқда эди. Шу ниятда тоғ чўккиларидан унинг салобатли қирларни ёдга солиб юборадиган этакларига

разм солди. Еринг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган бир масала юзасидан анчагача бош қотиришига тўғри келди, алланарсаларни чамалаб кўрди. Ниҳоят тоғ бағрига яхшилаб ўрнашиб олди. Атрофни яна бир қур кўздан кечиргач, тоғ манзарасининг ошуфтасига айланди-қолди.

Ўзи билан бирга ишлаётган Азамат Қулбаевнинг қувноқ ва ширали овози, чорлови уни ҳаёл дарёсидан олиб чиқди. Ҳар икки мутахассис шу жойнинг ўзида бирозгина бўлиб, пастилка энишиди. Қайфиятлари аъло эди. Кейин машинани ўт олдириди бу манзилдан унчалик ҳам узок бўлмаган каллектор томон юриб кетишди.

БАРКАШДЕК ҚУЁШ ТАФТИ

Эни салкам бир қақиримча келадиган, улкан Амударё устига қурилган «понтон» кўприқдан ўтиб, Амударё тумани ҳудудига яқинлашганимда ҳали куёш қиздирмаган, кўм-кўк, адл тераклар ортида барқашдек қизариб турарди. Катта сувликни улкан кемалар сузиб юрибди. Унинг ортидан чағалай, балиқчи бургутлар сира ҳам қолмасдан изма-из келяпти. Назаримда улар шу тахлит саховатли дарёдан ўз ризқини териб ейишса керак-да. Соҳилдаги одам аравага қўшилган икки отни тезроқ юриш сари шошилтиради. Она бия эса ортидан қолмай келаётган тойчоғига тез-тез қарайди. Сал фурсатдан сўнг бошқача манзаралар намоян бўлди. Озода ва шинам, ҳафсала билан оқланган ховлилар, йўл чеккаларидаги сон-саноксиз, ямийил дарахлар, тартиб билан экилган турфа ва анвойи гуллар. Қаранг, бундайин жаннат гулларининг ифори, атри бу ердан ўтаётган йўловчиларнинг бахридиллини очади, ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишини янада овлантиради. Шу тобда она замин-

нинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланаётган қалби қайноқ опа-сингилларимизга ҳаёлан миннатдорлик билдиргинг келиб кетади. Бошқа бир ховли олдида атиргул, настарин. Дарвозадан то оғилхона тўригача қирмизи гуллар. Автоулов деразасидан ташқарига қарасангиз бедалар ғарк гуллаган манзарога дуч келасиз. Атрофида минглаб асаларилар учиб юрибди. Катта йўлга туртилиб чиққан ариқ лабидаси теракларга синчков қарадим. Юзлаб баҳайбат, кўкка бўй чўзган терак шоҳлари шамолда энгил ва охиста тебраниб, титраб тағларида, остиларида турган ўнлаб одамлар билан ҳол-аҳвол сўрашаётгандек, гоҳ у, гоҳ бу томонга эгилиб тебарарди. Ростини, бу манзараларни кўрганнингда беихтиёр кишлоқнинг ажиб таровати, оҳанробоси борда, деб юборганингни ҳам билмай қоласан. Ниятимиз имкон қадар «Амударё давсув-маҳсуспудрат» давлат унитар корхонаси жамоаси томонидан амалга оширилаётган хайрли ишларни газета саҳифаларида ёритиш эди.


Бир учи кенг уфқларга қадар чўзилган далалар, ёбонлар лоқайд бир улугворлик билан сукут сақлар ва бағрида қуймаланиб юрган одамларининг яхши-ёмон ишларига тилсиз, сўзсиз гувоҳ бўлиб турарди. Экскаваторчи Бекзод Халменов мана уч кун бўлдики, паства кишлоғига боришга қўли тегмайди. Иш жуда кўпайиб кетди. Буни қаранг, уни учратган ҳамкишлоқларининг гапларида, муносабатларида ўзига, бажарган ишига нисбатан илиқ бир муносабат сезиб, борган сари кўнгли кўтарилар эди. Устига-устак бугун бажарган иши бошлиққа маъқул келди. «Қолганини ҳам ана шу тахлитда давом эттириш керак», – деди раҳбар салобат билан. У бошини кимирлатиб ёшуллининг сўзларини маъқуллади. Дарё яқинидаги бу жойнинг табиати анча инжиқ. Бир қарасанг

ҳаво ана-мана дегунча очилиб, чор-атроф яшнаб кетади, бир қарасанг челақлаб ёмғир ёғиб беради.

Аста-секин ҳамма-ҳаммасига кўниқди. Офтоб баланд кўтарилган сари қалин ўсган юлғунлар дарё юзидан ўз сояларини йиғиб олар, зилол тўлқинлар қуёш нурини ўзларига зарблаб минг мартаба кўпайтириб кўрсатар эди. Назаримда бу катта сувликдан кўтарилаётган тўлқинлардай таассурот қолдиради. Лекин Шукрулла аканингни ўзини мушкул, сал нуқолай аҳволга солиб қўяётган муаммолар ҳам йўқ эмасди.

Кунлар қизиқ, гўзани суғорадиган мавсум давом этарди. Баъзи бир далаларда оқар сувдан ноўрин фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учраб туради. Маҳаллий канални экскаватор ёрдамида чуқур ва кенг қилиб қазиб келинса, ундан ерни зуликдай сўриб келаётган зах сувлар чопиб оқади. Корхона ташкил этилган 2008 йилдан то шу кунга қадар қанчадан-қанча узунликдаги, ичи қамишга лик тўлган зовур ва захкашларнинг ичи ҳафсала билан тозаланди. «Дўстлик» таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси, «Марказий» таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси, КА-3 коллекторини реконструкция қилиш лойиҳаси (тармоқлари билан), КА-3 коллекторини реконструкция қилиш лойиҳаси (тармоқлари билан), «Манғит» таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси, «Каракалпакистан» каналини реконструкция қилиш, «Гурлан-ввод» таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси, «Диванқўл» тармоғини таъмирлаш ва тиклаш, Нукус шаҳридаги «Дўстлик» канални реконструкция қилиш (ҳамкорликда), Ахун-Хоразм коллекторини реконструкция қилиш, «Алили-ёб»

МАКОНИМ ДЕБ СЕВАМАН



килиш керак, ўйладим мен. Гап кўп уларда.

Ахир бежиз доно халқимиз гап-гаштакларда, тўйларда «Қари билганини пари билмас» деган гапни бот-бот такрорламайди-да. Чиндан ҳам, қанча нарса бор уларнинг ичида, ҳеч ким билмайди?

Кексаларнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган ўз анъаналари, шаклланган этикоклари бор. Очиғи, жуда қаттиқ хурматга, хали кўп ўрганишга лойиқ бўлган удумлар. Ва яна шу аснода киндик қони томган жойларига боғлаб турадиган турфа одатлари бор. Айтнингчи, буларнинг ҳаммасидан воз кечишнинг сира-сира ҳам имкони йўқ. Ўз ишининг устаси, заргари бўлиб ном қозонган қария билан суҳбатлашганимда ҳам шу, жуда бўлмаганда, шунга яқин фикрлар хаёлимдан ўтди. Ўғилларининг бари ёшлик жозибаси барқ урган ёш, навкирон алплар экан. Дарвоқе, Эгамбергач отанинг саккиз нафар фарзанди бор. Етти ўғил ва бир қиз.

Қирқ йил экскаватор билан тиллашган, сирлашган ота айнан шу қасбнинг ортидан қозонини қайнатган. Фарзандлари кам-қўстини бутлаган. Бунни қаранг, Қажрамон, Музаффар, Ғулом, Санжар, Низомжон, Бекзод сингари тоғни урса талқон қиладиган фарзандларининг ҳаммаси ота қасбининг этганини тутиб кам бўлгани йўқ.

Зеро, машойихлар «От изини той босар» деганларидек, барча алплари элда обрў-этибор топшиди. Уларнинг бариси, «Амударёдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасида фаолият олиб боришди.

Музаффар Халменов болалик кезлариданок қудратли экскаваторларда ишлашни, эл-юрт қорига ярашни дилига туккан эди. «Яхши ният ёрти мол» деганларидек, йиллар ўттиб унинг бу эзу ва покиза нияти рубёга чиқди. Унга Хитойдан келтирилган, иш унуми юқори бўлган техника рули ишониб топширилди. У мана йигирма олти йилдирки, техника билан сирлашиб келади. Шохиста, Шавкат, Лобар, Шокир исми бир-биридан одоли, оқила фарзандлари Музаффар аканинг кўзи оқу-қораси. У аёли билан уларнинг қамоллини кўрсам дейди. Ҳозирда ўғли Шокир ҳам отаси қасбини давом эттириб, «Амударёдавсувмахсуспудрат»

давлат унитар корхонасида тер тўқади. Ота қасбининг ўзига хос жозибаси, сеҳри уни ўзига тамомла банд этган. Қувончлиси, Музаффар аканинг заҳматли меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Инсонга бажараётган иши, амали завқ бағишласагина у ўз фаолиятдан қониқиб ҳосил қилади, – дейди экскаватор хайдовчиси **Музаффар ХАЛМЕНОВ**. – Мен доимо иш фаолиятимда айнан шу нарсага қатъий туриб амал қиламан. Бугунги кунда Амударё тумани худудидаги «К-1 – 7» коллекторини реконструкция қилиш объектида иш олиб бораёмиш. Зиммамдаги вазифани баҳоли қудрат ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилияман.

Дарҳақиқат, корхонада Музаффар ака ва унинг ака-укалари сингари техникани уйдаги аёлидан кам кўрмайдиган, эпли-сепли экскаватор хайдовчилари талайгина экан. Махмуд Худойбергачов, Ғулом Абдурахмонов, Қаримбой Тангрибергачов айнан шундай тоифага мансуб. Собир Абдуллаев, Оймирза Қурбонниёзов, Эркинбой Садиқулов каби бульдозерчилар эса уззу кун техника ёнидан бери келмайдилар. Шу боисдан бу азаматлар ўз зиммаларига юклатилган вазифани доимо бекаму-қўст уддалаб келади.

ГУЛЛАРИНИНГ ХУШБЎЙ ИФОРИ

Замонавий қиёфада қурилган корхона биноси, турфа дов-драхтлар, анвойи гуллар экилган ховли этаклари, иссиқхонадан таралаётган жанный хидлар, ҳосилини қўтаролмай хилё элми дил қолган шафтолию, олма дарахтлари, хуллас жами шарт-шароитлар, қулайликлар корхонадаги ўзига хос ва мос маданиятдан дарак бериб турибди. Корхонада меҳнат қилаётган юз нафардан ортиқ ишчиларнинг бир-биридан чиroyли уйлари, озода кўчалари, тароватли борроғлари, барака ва тўқислик дарагини берувчи томорқалари, манзарали дарахтларни, гулларни кўриб, жамоада тер тўқувчиларнинг диди, дунёқарашини тобора юқалиб бораётганидан мамнун бўлдим. Шу маҳал бахмалдек ялтираб турган аргумоғини устидаги эгарга маҳкам ўрнашиб олган бир бола келиб қолди.

Маълум бўлишича, бу ёш йигит яқин орадаги коллекторлардан хабар олишга кетаётган экан. Умуман олганда корхона ишчилари ҳаётида қувончли ва нузли кунлар тез-тез содир бўлиб ту-

ради. Фариштали чехралар, самимий нигоҳлар кўрган-кечирган қунига шукрона келтиради.

– Одамнинг кўнгил олами нурлиб турсагина унинг уддалаётган ишида унум ва барака бўлади, – дейди «Амударёдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, қасаба уюшма қўмитаси раиси Азамат **КУЛБАЕВ**. – Негаки, биз айнан шу тамойилга амал қилиб келаётганимиз сабабли ишимизда оқсаш руҳиятиямиз. Ишчиларнинг руҳиятига, кўнглига йўл топа олганимиздан чексиз бахтиёримиз. Ахир одамдан қимматли ва азиз зот йўқ-ку дунёда. Полиэ экинлари билан тўлик таъминлаб борилаётган ишчилар бунга қаноат қилиб ўтирганларича йўқ. Улар ўз ихтиёрларидаги томорқаларини худди жаннатдек яшатиб қўйишибди. Фарзандлари олий ўқув юрталарига кириб ўқишяпти, овул ва қишлоқларда кунда-кунора тўй-томошалар қанда қилмасдан ўтказиб турилибди.

Азамат Кулбаевнинг таъкидлашича, техника парки йилдан-йилга янги ва замонавий трактор ва экскаваторлар ҳисобига тўлдириб бориляпти экан. Бунга то шу кунга қадар йигирма олти техника харид қилинганидан ҳам билса бўлади. Тўқикизта экскаватор, тўртта бульдозер, битта автосамосвал, битта «MAN» русумли автокар, битта автобензавоз ҳамда бошқа зарур техникалар қучидан хозирда унум билан фойдаланиб келинмоқда. Хуллас, техникасиз ишда унум, сифат ҳеч ҳам сезилмаслигини корхона жамоаси яхши англайди. Шу боисдан ҳам мавжуд техникалар кўз қорачиғидек асраб-авайланади, техника ҳавфсизлиги қондаларига сўзсиз риюя этиш чора-тадбирлари қўриляпти.

...Сафардан қайтаётган, бир учини кенг ва олис уфқларга қадар чўзилиб кетган далаларда қумолидек заҳмат чекиб ишлаётган ишчилар, эл-юртнинг оби ҳаёт билан таъминлашдек эзу ва савобли ишининг бошида турган замин шифокорларининг нақадар кенг миқёсли юмушларидан хайратга тушим. Шамоли олис-олислардан эндигина тандирдан узилган нон хидини олиб келиб димокка уради. Назаримда бу ислар озода ва обод ватанда умргузаронлик қиладиган одамларга бахтни тенг миқдорда улашётгандек. Зеро, бахт иси одамларни нури манзиллар сари бошлағусидир.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбири

канални реконструкция қилиш, «Холиқбек» сув истеъмолчилари уюшмаси худудида янгидан коллекторлар қуриш, «К-3 хитой» коллекторини таъмирлаш ва тиклаш, «Шўр-ёб» канални реконструкция қилиш ишлари муваффақият билан адо этилди.

Бу борадаги ишлар 2018 йилда ҳам тўхтатилганича йўқ. Масалан, қорхона жамоаси саёй-ҳаракатлари билан «Шўр-ёб» канални реконструкция қилиш, «К-1 Қипчоқ» коллекторини таъмирлаш ва тиклаш, «К-1 Қангли» коллекторини таъмирлаш ва тиклаш, «Назархон овул фукарлар йигини» худудидаги коллекторни таъмирлаш ва тиклаш, «ПМ-4» коллекторини реконструкция қилиш, Дарсан коллекторини реконструкция қилиш, Амударёга Шпор қуриш объектида кўзда тутилган ишлар режалар тарзда бажарилди. Ушбу мақсадлар учун 6 миллиард 880 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди.

– Аҳоли томорқалари ҳамда фермер хўжалиқлари дехқончилик қилиб ҳосил етиштирадиган отизларнинг ҳолидан вақти-вақти билан хабар олиб турилмаса, сира бўлмайди, – дейди қуёнчаклик билан «Амударёдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси директори **Шукрулла ЮСУПОВ**. – Негаки, қишлоқ хўжалиғида ишлатиладиган ернинг ҳам жони бор. Уни зах, шўр, ер ости сизот сувларидан артитиб, тозалаш керак бўлади. Назаримда ўтган йиллар давомида жамоамиз аҳли бу ишнинг устаси бўлиб кетишди. Қаранг, жорий йилнинг ўзида ҳам кенг қўламли ишларни уддалашини ният қилганмиз. Жумладан,

худуддаги «К-1 Қипчоқ», «К-1 Қангли», «Чиллик», «Бердак», «Крейт-Узья» коллекторларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилса, «Дарсан», «К-1-7» коллекторларини реконструкция қилиш ишлари бажарилади. Бундан ташқари жамоа аъзолари Амударёга шпор қуриш объектида ҳамда Бўзсув канални реконструкция қилиш ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Дарвоқе, бу мақсадлар учун сарфланган маблағ 6 миллиард 502 миң сўмни ташкил этади. Аҳамиятли жиҳати, мазкур объектлар ишга тушиши билан қишлоқ хўжалиғи экинларидан олинган ҳосил салмоғи ошиб, даромад миқдори кўпаяди, одамларнинг турмуш фаровонлиги ортади. Хуллас, ўтказилган тадбирлар қони фойда, юқори даромад манбаи бўла олиши билан аҳамиятлидир.

СУЛОЛА САРВАРИ

Корхона қасаба уюшма қўмитаси раиси Азамат Кулбаев айнан мазкур жамоада ҳормай толмай ишлаб, ўзининг фидойилиғи, жонфидолиғи билан бошқаларни ўз ортидан эргаштириб келаётган сулола бошлиғи Эгамбергач Халменов хақида сўзлаганида, даставвал бироз ўйланиб қолдим. Нима бўпти, бу ота ва болалар ҳам шунчаки, оддий сулолалардан бири бўлса керак дея ўйладим. Кейин Азамат акадан бу оиланинг таърифу тавсифини эшитгач, оила боши, саксон ёш билан тўқнаш келиб турган Эгамбегач отанинг ўзига ҳам қойил қолдим. Негаки, бундайин одамлар табаррук, уларни кўз қорачиғидек эҳтиёт

ЭЛОНЛАР!

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2000 йилда Абдуллаев Абдуҷамил Абдусатторовичга берилган В.№ 030470 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 232-умумтаълим мактаби томонидан 1986 йилда Ильясова (Шаюновска) Муҳаббат Шарахимовага берилган рўйхат рақами №120, EN № 038638 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йилда Абдуҷаббарова (Таджибаева) Рано Сунатовнага берилган ФВ № 994302 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ариқ олган, сув келтирган азал-азалдан халқимизда азиз саналган. Мана шундай савобли ишга бош қўшиб келаётган «Хоразмсувқурилишнинг» давлат унитар корхонаси жамоаси зиммасига масъулиятли вазифа юкланган. Худуддаги сув объектларининг доимий ишлашини, дашту далаларга оби ҳаётнинг узлуксиз кириб боришини таъминламоқда. Пудратчилар билан танлов (тендер савдолари) натижаларига кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган шартномалар асосида объектлар қурилиши бекамў-кўст олиб борилаётир.



Реклама ўринида

ОНА ДАРЁ – ҚУТ ДАРЁ, САХИЙ ДАРЁ – СУТ ДАРЁ

«Темир қўшин» доим шай!

Кенг ва бепоён дала. Ҳаво анча дим. Авваллари ёлғиз, қакқайиб турган вагон уй-чанининг ёнига яна уч-тўртта вагонча такаб қўйилган. Кучли шамол учириб келган қум зарралари уларнинг шундоқкина орқа томонидаги деразасигача бориб чиққан. Темир томларнинг устида салкам тизза бўйи қум уйилиб қолган. Хойнахой, бу табиатнинг Оролбўйидан шоша-пиша келтирган «ўзига ҳос» совғаси бўлса керак. Шефер ёки бошқа палаталар билан ёпилмаган, пана қилинмаган жойларда бир талай техникалар, юк машиналари, чўмичини қакқайтириб турган қудратли экскаваторлар, юк ортадиган мосламалар саф тортиб турибди. Булардан сал нарида техникалар «чанқоғини» қондиришга чоғланиб турган машинага ҳам кўзим тушди. Ўзимча бу манзилда шундай забардаст «темир қўшин» жангга шай тургандан кейин, азаматларга иш дегани нима бўлибди, деганга ўхшаш фикр ярқ этиб ўтди кўнглимдан.

Шарофидин ака ўша ўзи жуда ҳам ёқтирадиган манзилда бўлишни, ишини боришини синчклаб кузатишни, ишчилар билан бамаслаҳат, ҳазил-хузил қилиб фикрлашни ҳар куни қанда қилмайди. Ёшулли дилидаги гапларни ҳамқасбларига тўкиб солиш асносида кўнглини бўшатар, енгиллашар, айни вақтда бу ердагиларни ўзига бир қадар яқин олишини билдириб, келажакдаги мушкул ва айни маҳалда мураккаб юмушларга тайёрлагиси келарди. Билмадим, негадир у доим шундай йўл тутганда у ўзини анча хотиржам, осойишта сезади. Ахир табиатнинг бир қадар осойишта, сокин гўшасида ҳаво анча тоза. Шу боисдан ҳам юмушга унанишнинг билан ишингда унум сезилади.

Қийинчиликлар тоблайти, чинқитиради

«Инсон табиати қизик. У ўзини гоҳида шод хуррам, қувнок сезади. Шундай кезларда у гул-гул ёнади. Гўёки, бил-лақларингда кучинг гупириб турган маҳалда одамнинг сираям дала олгиси,

хордик чикаргиси келмайди, қийинрок бир иш бўлса қилиб, ортиқча кучингни сарфлагинг келаверади. Эс-эс хотирлайман, ўсмирлигимда кучим танамга сиғмаган чоғларда текис, равон йўл қилиб, нукул шудгордан, адирликлардан юрар эдим, – дейди ёшулли. – Агар велосипед минадиган бўлсам, атайлаб ўнқир-чўнқирларнинг устидан хайдардим. Негаки, бирон-бир қийинчиликни, машаққатни енгиб ўтмагунимча сираям кўнглим жойига тушмасди-да. Бу одат кейинчалик ҳам мени тарқ этмади. Ҳозир ҳам ёшим хийла ўлғайган бўлса ҳам йигитлик кучим танамга сиғмай хуруж қилиб юрганини англаб қоламан. Негадир киндик қоним тўкилган, қувнок ва бегубор болалигим кечган жойларни ич-ичимдан соғинаман. Айтингчи, бизнинг Хоразм воҳасидаги сингари тилими тилни ёрадиган ширин ва тотли қовунлар, узумлар, анорларни бошқа ҳеч бирор жойда учратоласизми? Албатта, йўқ. Улардан ҳам ширин ва кўнглига ўт соладиган қуй-қўшиқларимиз эсга тушса юрагим энтиб кетади. Умуман олганда, қаминга ўзим умргузаронлик қилаётган, ишлаётган бу заминга доимо ошuftаман».

Чиндан ҳам, «Хоразмсувқурилишнинг» давлат унитар корхонаси раҳбари Шарофидин Жуманиёзовнинг юртга бўлган чексиз муҳаббати кўпчиликка ўрناق бўлгулик. Ахир туғилган гўшасига меҳр-муҳаббати зиёда бўлган одамдан эл-юрт кўп эзгу ишларни, яхши амалларни қутиши турган гап. Балки шунинг учундир корхона ишчиларининг бариси рухан тетик, кучга тўлган, улоқчи отдай соғлом кишилар. Улар агар кучни бир жойга жамлагудек бўлса тоғни ҳам талқон қилиш қудратига эга.

– Корхонамиз Сув хўжалиги вазириликнинг буюртмачилигида марказлаштирилган ва бошқа манбаалар ҳисобига ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тизимли таъмирлаш ва тиклаш ҳамда авария-тиклаш ишлари ва бошқа қонунга зид бўлмаган молиялаштириш манбалари ҳисобига объектларни қуриш ишларини бажаришга масъул ҳисобланади,

– дейди «Хоразмсувқурилишнинг» давлат унитар корхонаси раҳбари Шарофидин ЖУМАНИЕЗОВ. – Гапни пўстқалласини айтганда, она заминни бағрини маддалаб азоб бераётган зах, шўр балосидан халос этишдай юмушга ҳисса қўшаётганимиздан фахр туямиз. Шу ўринда бу соҳа ходимларини «замин шифокорлари»га асосий кўмакчи, десак асло янглишмаган бўламан. Барибир, ишимизнинг қай йўсунда бораётганини билишни истасангиз, бир-иккита рақамларни чоғиштирмасам бўлмас. Хоразм заминда бўлиб, отизларни айлангудек бўлсангиз шўрдан, туздан оппоқ бўлиб оқариб ётган бепоён пай-қаллар сизни қарши олади. Бу манзарга илк бор кўзи тушган одам борки, ўзича фикр қилади. Шундай жойда ҳам ишлаб ҳосил кўтаришнинг иложи бормикан? Аммо, воҳа миришқорлари бу фикрни узил-кесил инкор этади. Негаки, улар ўз меҳнати билан ўзларини нималарга қодир эканлигини ҳар мавсум кўрсатмоқда.

Ирригация объектларида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадал суръатлар билан бажарила бошлагач, қишлоқ хўжалиги экинларидан олиннадиган ҳосил салмоғи сезиларли оша бошлади. Биргина ўтган йилнинг ўзида эллик километрдан ошиқ узунликдаги каналларни реконструкция қилиш учун 7 миллиард 730 миллион сўмликдан ошиқ, 1326 километрдан ортиқ узунликдаги коллектор-зворурларни таъмирлаш-тиклаш мақсадлари учун 21 миллиард 886 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Аҳамиятлиси, 2019 йилда ҳам бу бордаги ишлар изчил ва давомли тарзда олиб бориламоқда. Ушбу мақсадлар учун 42 миллиард 610 миллион сўмлик маблағ йўналтириб берилди. Аслида мазкур сай-ҳаракатлардан кўзда тутилган мақсад экинлар ҳосилдорлигини беш центнерга ошириб, аҳоли фаровонлигини, ҳаётини кўтаришдир. Айниқса, бу жараёнда минтақадаги мавжуд сув пудрат давлат корхоналари ҳамда ирригация тизимлари ҳамда бошқармалари билан қилинаётган хавқорлик жуда ҳам қўл келмоқда. Айни чоғда Гурлан туманидаги Гурлан кана-

лида реконструкция қилиш ишлари олиб бориламоқда. Қудратли техникалар ёрдамида бу манзилда йил охирига қадар бир миллиард саккиз юз ўн миллион сўмлик ишни удалаш кўзда тутилган.

Бахти мангу бут матво...

Шовуллаб, овоз чикариб оқайтган дарё бўйларини ҳамроҳларим билан бирга хўп кезиб юрибман. Қудратли Аму соҳилидаги тўронғи, жинғил ва бошқа кўплаб дарахтлар худди ёнимиздаги қўл бўйига чопиб тушаётгандай туюлади. Буни қаранг, уларнинг гўзал ва жозибали акси ойнадай тиник сувда ажиб бир тарзда жилоланади. Ирригация билимдони ёшулли Аброр ақининг худди ўша катта сув бўйида айтган гапларида мен аввал ўйланганда бошқачароқ, чуқурак маъно борлигини дабудрустан англаб етдим. У билан табиат, замин ҳақида тўйиб-тўйиб суҳбатлашгим келди. Ҳаёлда эса, эл тилидан сираям тушмайдиган «Она дарё – қут дарё, сахий дарё – сут дарё» деган ўйноқи сатрлар жонланди.

Ёшуллининг оғзидан бол томиб айтишча, бугунги кунда вилоятнинг деярли барча худудларидаги мелиорация объектларида қурилиш ва реконструкция ишлари ва мелиорация объектларида таъмирлаш тиклаш жараёни учун ҳукумат томонидан 42 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиб берилган экан. Ният бита. У ҳам бўлса, экин этиштириладиган, бизга ризк берадиган ер майдонларининг ўмганини йилдан-йилга кўтариб, унинг қувватини ошириб боришдир.

Шу ўринда бир муҳим нарсани айтиб ўтмасам бўлмас. Мазкур корхонада фаолият олиб бораётган лойиҳаларни бошқариш, қурилишни техник кузатиш бўлими бошиғи Аброр Саидов ўз вазифасини виждонан бажарувчи малакали ва тажрибали ходимлардан бири ҳисобланади. У мелиорация ва сув хўжалиги бўлими объектларини реконструкция қилиш ишлари бажариладиган бутун даврда, қурилиш жараёнида лойиҳа ечимлари ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини, бажарилаётган ишлар ва уларнинг эстетик кўриниши бўйича доимий назорат олиб боради. Ўз ишига пухта, доимо сифатни биринчи ўринга қўяди. Бу юмушларни бекамў-кўст удалашда Аброр оғага лойиҳаларни бошқариш, қурилишни техник кузатиш бўлими бош мутахассислари Жуманазар Абдираимов, Улуғбек Матниёзов, Нуриддин Исмоилов, етакчи мутахассис Ҳамро Давлатов, Қўзибой Бобононов каби ўз ишининг устаси бўлиб танилган мутахассислар яқиндан кўмаклашмоқда.

...Қамин даладарда ёки улкан корхоналарда қуйиб-пишиб, сидқидилдан меҳнат қилаётган жонфидо оддий одамларни кўрсам, кўпроқ кўзим қувонадиган бўлиб қолган. Негаки, ер юзининг гўлтожи саналган одамни одам қилиб турган фазилатлар меҳнатда, пешона терида пайда ажширок билинишни мен энди пайқаймоқда, англамоқда эдим. Бу ҳолат олис Хоразм тупроғида захмат чекиб ризқ-рўз яратишга ҳисса қўшаётган «Хоразмсувқурилишнинг» давлат унитар корхонаси жамоаси фаолияти билан яқиндан танишганимда янада яққол сезилди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбири

OILA
DAVRASIDA
Ilmijomiy-ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририятни масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Ҳусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанко»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материаллардан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўyxатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмақонда чоп этилди.
Босмақон манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Қаҳрамон Куронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирибекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажинов, Элмира Боситқонова, Мизроб Бўронов, Муродилло Холмухамедов, Мухаммаджон Куронов

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-йў.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Ғ. Бобоқононов
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Буюртма: Ғ-737 ISSN 2181-6190 Объян индекси — 193
Алази: 2930 Нусха. Нархи: келинбўв асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳақми 2 боёсма табок.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 19:00

